



## **Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

**Танлов хужжатларининг мазмани:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
- II. Техник кисм
- III. Танлов ва таклиф

### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА**

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТЕ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмета: Ғузор тумани Янги Хаёт МФЙ Кичик Батош қишлоғи (10.5 км) йўлини жорий таъмирлаш бўйича ЛСХ ишлаб чиқиш, муаллифлик назоратини олиб бориш ва экспертиза хулосаси олиш учун

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **17 085 000 (Ун етти миллион саксон беш минг) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди. Смета лойиха хужжатларини 5 кун мобайнида ишлаб чиқиш зарур.

1.3. Хизмат бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛРИ**

2.1. “Қашқадарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон Республикаси, Қашқадарё вилоят Қарши шахар, Хонобод кучаси 23 уй. адрес: [Qashqadaryo\\_MYBX@.uz](mailto:Qashqadaryo_MYBX@.uz)

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади

2.2. Танлов Қарши шахри Хонобод кучаси 23 уй Қашқадарё Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУКда “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

2.3. Танлов ушбу хизмат эълон берилгандан сунг якунига (сониясига) кадар тижорат таклифлари қабул килинади. (Ушбу хизмат асосида танловларни амалга ошириш ёки голибни танлаб олиш максадида харид комиссиясининг йигилиши (эълон якун куни билан 11<sup>00</sup> да амалга оширилади)).

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишига ихтисослашган, камида З йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

тандыра предметида иштирокчының кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатлари;

танлов обьектига ухшашиб обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);

Низом маблаги, микдори.

3.3. Агар танлов предмета булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак,
- Танлов шартларида белгиланган хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда такдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

такдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулиқ жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда эълон килинган муддатдан яна 5-

каленъдар кунга кадар кабул килиши ёки узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари туғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (иши, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш туғрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроў юборишга хақли. Суроў келиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суроў давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин келиб тушган булса, ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида суроў юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай суроў келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади